

Шавкат Мирзиёев: Туркменистон – энг яқин қўшнимиз ва ишончли ҳамкоримиз



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов тор доирада музокара ўтказдилар.

Давлат раҳбарлари қардош халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничиликка асосланган икки томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилдилар.

Сиёсий, савдо-иқтисодий, энергетика, транспорт-логистика, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари музокараларнинг асосий мавзуси бўлди.

Кейинги йилларда амалий ҳамкорликнинг барча йўналишларида катта натижалар бўлгани таъкидланди. Олий даражада эришилган келишувлар “йўл харитаси” асосида муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари, ҳудудлари ўртасида мунтазам мулоқотлар ва сермахсул алмашинувлар олиб борилмоқда.

Шавкат Мирзиёев ва Сердар Бердимухамедов ушбу учрашув Ўзбекистон билан Туркменистоннинг кўп қиррали стратегик шериклиги ривожига янги суръат бағишлашига ишонч билдирдилар.

Халқаро ва минтақавий кун тартиби юзасидан батафсил фикр алмашилди, жумладан, Марказий Осиёда ҳамкорликни чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинди.



Манба